

Мустакилликимиз арафасида, 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили макоми берилиши тилимиз тарихидаги муҳим ютуқлардан бири бўлганига шубҳа йўқ. Хар йили ушбу кун олдидан ўзбек тили ва унга эътибор беришга доир турли мақолалар, кўрсатувлар, чиқишлар, йигилишлар қилиш одат тусига кирган. Мен ҳам шу фурсатдан фойдаланиб тилга оид айрим ва ожизона фикр-мулоҳазаларимни сиз азизлар билан ўртоқлашмоқчиман.

Ўзбек тилига давлат макоми берилганига чорак асрдан кўп вақт ўтган бўлса-да, хануз у ўз тахтига ростмана ўрнашмагандек туюлади менга. Хали ҳам айрим жойларда русча хужжат, русча лавҳалар, русча мулоқот ва хоказо. Хатто русча гапирмасангиз, аччиқ қиладиганлари ҳам бор. Рекламалар хақида гапирмаса ҳам бўлади. Ўз тилида тўғри гапиришни билмайдиган, аммо қайсидир чет тилида ифодали сўзлаши билан мактанадиган ўзбекларимиз ҳам йўқ эмас. Ўзбекча сўзларни русча талаффуз билан айтадиган, икки гапининг бирига русча сўз тикадиган олифта хонимлар эса хар кадамда учрайди. Бир гапнинг ярмини ўзбекча, ярмини русча қилиб ўзини кўрсатадиган «маданятли»лар ҳам талайгина. Бу билан чет тилини ўрганишни ёки бошқа тилда сўзлашни қораламоқчи эмасмиз, фақат бу ерда ўз тилини паст санаш, писанд қилмаслик, унга меҳр бера олмаслик қаби иллатлар яшириниб ётганидан қуюнмоқдамиз. Мархамат, бошқа тилни ўргансин, ўша тилда гапирсин, керак бўлса, ўша тил эгаларини қойил қолдирсин, аммо ўз тилини унутмасин, паст санамасин. Ўзбекча гапиряптими, бир йўла ўзбекча сўйласин. Чет тилида равон сўзлай олишидан фахрланишдан олдин ўз тилида ифодали гапиришни ўрнига қўйиб қўйсин.

Оламийлашув (глобаллашув) жараёнининг хамлалари энг аввал тилга йўналган бўлади. Бундай вазиятда ўз тилига махсус «саралагич» кўя олмаган халқлар вақт ўтиши билан ўз тилларини бой бериб қўйишлари, унинг катта қисмидан айрилиб қолишлари ҳеч гап эмас. Тўғри, четдан қираётган ҳамма сўзни ҳам таржима қилиб бўлмайди, хусусан, халқаро микёсда кенг тарқалган, масалан, поезд, аэропорт, телефон, компьютер қаби сўзларни қабул қилиш фойдалироқ бўлиши мумкин. Аммо дуч келган сўзни фарқламай ўзлаштириш, ўз тилида таржимаси ёки ўринбосари бор бўлган сўзни ҳам қабул қилавериш хар қандай тил учун офат бўлади. Афсуски, бугунги кунда бизда мана шундай ҳолат жуда ҳам кўп учрамоқда. Хатто ўзбек тилидаги шакли осон бўла туриб, четдан кирганини қўллашга одатланиб қолинган.

Мисол учун, «разворот қилмоқ» деган жумла ўрнига «қайрилмоқ» деган сўзни ишлатиш мумкин. «Остновка» деган узун сўз ўрнига ўзбек тилида «бекат» деган қисқагина сўз бор. «Доставка қилиш» демай, «етказиш» ёки «етказиб бериш» дейишнинг нимаси қийин? «Мойка қилишим керак», деб қўйишади. «Мойка» ўзи ювмоқ дегани. «Ювиш қилишим керак» дейиш ўрнига «ювишим керак» ёки «ювдиришим керак» дейиш осонмасмикин? (Бу сўзни аввалига фақат машина ювишга ишлатилар эди, энди эса, «идишларни ювиш керак», демай, «идишларни мойка қилиш керак» дейдиган бўлишди.) «Медсестра қиз қирди» деб чўзмай, «хамшира қирди» деса қулаймасми? Бу рўйхатни истаганингизча давом эттиришингиз мумкин.

Очигини айтганда, айрим одамларимиз ўз она тилидан шунақа узоклашиб кетибдики, мазкур сўзларнинг ўзбекчасини айтсангиз, хатто тушунмай ҳам қолади. Мен ўзим кўп марта синаб кўрдим. «Боришингизда ўнг тарафда бекат келади», десам, «бекат дегани бу дўқонмикин ё маркетмикин» деб ўйланиб қолди шекили, анқайиб турибди, «бекат –

остоновка» десам, «ха-а» деб кўяди. «Фалон бекатдан ўтиб ортга кайриласиз», десангиз, индамай туриб колади, «разворот...» десангиз, «ха, шунака денг, хўш, разворот киламан, кейинчи?» дейди. «Етказиш хизмати борми?» десам, хизматчи ўйланиб турибди, «достовка» десам, кейин тушуняпти. Буни карангки, ўзбекча сўзларни ўзбекларга ажнабий сўз билан таржима килиб бериш керак бўлиб қолибди. Совутгич – кондитсонер, музлатгич – холоделник, яхлатгич – морозилник, ўриндик – сденье, гўшак – трубка, сообщения – хат, мактуб ва хоказо. Бунга ўхшаш мисоллар жуда ҳам кўп. Энг ачинарлиси, ўзбек тили ёки адабиётга доир айрим кўлланмаларда ҳам ахвол бундан кам эмас. Ўзи ўзбек тилини ўргатмокчи, аммо ўзбекча атама йўк, хаммаси лотинча ёки русча. Хеч бўлмаганда атамаларни ўзбекча талаффузга мослаштирмаган. Ахир бу ахволда қандай килиб ўзбек тилини ардоқлашни уктира олади? Агар яна беш-ўн йил индамай бепарво қараб турилса, ушбу бетакрор, гўзал ўзбек тили барча хусну жамолидан мосуво бўлиб, қандайдир қоришма, ноаник бир тилга айланиб қолиши хеч гап эмас. Ўзимизга билинмай қолган экан. Бир тожик киши русча аралаш тожикча гапирган эди, жуда эриш туюлди. Вахоланки, ўша русча сўзлар ўрнига тожикча сўзлар ҳам ишлатиш мумкин, маънони ифода этаверади, аммо у бечоралардан ҳам мустамлаканинг асорати хануз кетмабди.

Маълумки, ўзбек тилида «ц» ва «юмшатиш белгиси» ишламайди. Аммо хали ҳам матбуот ва адабиётларда бу харфлар берилмокда. Хеч қайси ўзбек уларни талаффуз қилмаслиги аниқ ва кизиги, бунга ҳожат ҳам йўк, чунки ўша сўзни ўзбекча талаффуз қилинса ҳам маъноси тушунилаверади. Мисол учун, ҳар қандай ўзбек Франция эмас, Франция дейди, февраль эмас, феврал дейди ва ўз маъносида тушунилади. Ундан ҳам кизиги – шу сўзлар лотинчада ёзилса, ўзбекча ёзилаверади. Буни қандай изоҳланади, билолмадим. Ха, буларнинг барчаси мустамлака давридаги кўникмалар қобигидан қутила олмаганимиздан бўлса керак.

Айрим жойларда шеваларимиз ҳам қуюшқондан чиқаёзмокда, биров «таноб»ини тортиб қўйилмаса, «мустикал тил» бўлишга даъвоси бор. Ижтимоий тармоқдаги ва бошқа алоқа воситаларидаги ёзишмаларни-ку асти қўяверасиз, ўқиб фақат мирикасиз. Баъзи бир талабаларнинг суҳбатларини эшитиб, ё йиглашни, ё қулишни билмай қоласиз. Кискаси, айтсангиз, жуда гап кўп.

Муаммони айтиш осон, муҳими – унга ечим топиш керак. Хўш, тилимизни асраш учун нималар қилишимиз керак? Албатта, бу борада анчадан буён жон қуйдириб келаётган, муаммоларга илмий жавобларни тақдим қилган тилшунос олимларимизнинг тавсиялари етарлича бор. Биз улардан ошиб ўтиб, «янги Америка кашф қилмок»чи эмасмиз. Тилга эгадорлик ёки мутахассислик даъвоси ҳам йўк. Фақат ўзбек тилининг бир ўзбек мухлиси сифатида айрим мулоҳазаларни ўртага ташламокчимиз, холос.

Инсоннинг барча хатти-харакати унинг ички олами – қалби билан боғлиқ. Тилни асраш ҳам аввало унинг ички оламида пайдо бўлиши ва қарор топиши керак. Кишида ўз тилини севиш, уни ардоқлаш, қизғониш туйғуси бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, унда миллий гурур, ҳамият шаклланган бўлиши лозим. Бу эса болаларга мактабдан бошлаб сингдирилиши даркор. Ўзбек тилининг хусусиятлари, бойликлари, гўзалликлари ва имкониятларини мисоллар билан тушунтириб, ўз тилини яхши билиш ҳар бир инсон учун шараф ва обрў келтиришини уктириш лозим. Хадеб «фалон тилни билсанг, нонинг бутун бўлади» деявермай, «ўз тилинг яхши бил, ўзлигинг бутун бўлади», деб ҳам туриш керак. Ўз тилини пухта билиш ҳар қандай соҳа ва касб эгасига фақат ва фақат ютуқлар олиб қолиши улуг олимлар мисолида ёритиб берилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Кўп жойларда тилшунослик академиялари мавжуд. У ердаги мутахассислар тилнинг имкониятларини пухта ўрганган, лугатга бой ва кечасию кундуз шу сохада бош котириб юрган одамлар бўлади. Улар тилга кириб келаётган хар кандай сўзни «махсус текширув»дан ўтказмай кўйишмайди. Бугунги кунда техника кўз илгамас даражада тез ривожланмокда. Шунга карамай, мазкур академиялар хар бир янги чиккан ускуна ёки жихозга нимадир янги ном беришга интилади ва буни кўпинча уддалайди. Хозирда матбуот имкониятлари жуда хам кенг ва серкирра. Мисол учун, бирор янги чиккан жихозга мутахассислар тарафидан берилган иккита-учта ўзбекча номни таклиф сифатида матбуотда эълон килиб, кўпчилик тарафидан танланган шаклини истеъмолга киритиш мумкин. Тилимизга ёт бўлган, таъбимизга ўтирмайдиган ажнабийча сўзлар ўрнига ўлик ёки туркча бўлса хам, туркий тилга хос сўзларни ишлатган маъкул. Ном беришни матбуот воситалари оркали одамлардан сўралса хам бўлади. Бунда шевалардан хам анча-мунча «дур»ларни кўлга киритиш мумкин. Кейин танланган сўзларни матбуотда эълон килинади, ёзувчилар асарларига киритади. Шундай килиб, тилнинг бойлиги сакланади ва ортади. Шу билан бирга, ўша академиянинг матбуотда чикишлари бўлиб, шу оркали халк билан бевосита богланиб туриши керак. Улар оркали одамлар ўзларининг кизиктирган саволларига жавоб олишлари, муаммоларини хал кила олишлари жуда катта ютукларга сабаб бўлади. Бу хусусда бошка жойларнинг тажрибаларидан хам фойдаланиш мумкин.

Хуллас, бу борада килиниши лозим ва имкони бор ишлар талайгина. Бунга мутахассис ва мутсаддиларимиз кўпрок жон куйдирсалар, хайрли, савоб иш бўлар эди. Албатта хар бир иш иктисодга бориб такалади. Буёгини хам эсдан чикармаслик керак. Аллох таолодан хар бир ишимизда Ўзи ёру мададкор бўлишини сўраб коламиз.

Хасанхон Яхё Абдулмажид